



ХОРЕЗМ — ЗЕМЛЯ ВЕЛИКИХ ДЕЯТЕЛЕЙ

Нигора Мулласодиқова

Ўзбекская международная академия исламоведения

Доцент кафедры «Арабский язык и литература, Аль-Азхар»

Центральная Азия, и в частности Узбекистан, — это земля известных ученых, внесших значительный вклад в мировую цивилизацию. Абу Али ибн Сино, считавшийся непревзойденным гением в медицине, и Имам Бухари, «султан науки хадисов», были родом из Бухары; математик и астроном Мухаммад ибн Муса Хорезми, глава академии «Мамун» Абу Райхан Беруни и основатель ордена Накшбандийя Наджмиддин Кубро были из Хорезма; а ученый Ахмад Фергани, занимавшийся астрономией, математикой и географией, был родом из Ферганы. Хаким Термизи и Абу Иса Мухаммад Термизи были одними из ведущих ученых в области религиозных наук и родились в Сурхандарьинской области. Хорошо известно, что основатель матуридского учения, Абу Мансур Матурид, был родом из Самарканда. Комплекс, известный сегодня как «Хастимом», на самом деле связан с именем Абу Бакра Каффола Шоши, почитаемого как «Хазратский Имам», и этот великий ученый родился в Ташкенте.

ХОРАЗМ – БУЮК СИЙМОЛАР ДИЁРИ

Нигора Мулласодиқова

Ўзбекистон халқаро исломшунослик академияси

“Араб тили ва адабиёти ал-Азхар” кафедраси доценти

Марказий Осиё, хусусан, Ўзбекистон замини дунё тамаддунига салмоқли ҳисса қўшган машхур алломаларнинг юртидир. Тиббиётда тенгсиз даҳо деб ҳисобланган Абу Али ибн Сино ва “ҳадис илмининг султони” имом Бухорий Бухоро вилоятидан, математик ва астроном Мухаммад ибн Мусо Хоразмий, “Маъмун” академияси сардори Абу Райҳон Беруний ва нақшбандия тариқати асосчиси Нажмиддин Кубро Хоразм вилоятидан, астрономия, математика ва



география фанлари билан шуғулланган олим Аҳмад Фарғоний эса асли Фарғонадан бўлган. Ҳаким Термизий ва Абу Исо Муҳаммад Термизийлар диний илмларнинг етук уламоларидан бўлган ва улар Сурхондарё вилоятида туғилган. Мотурудий таълимотининг асосчиси Абу Мансур Мотурудий эса асли самарқандлик экани барчага маълум. Бугунги кунда халқ орасида “Ҳастимом” номи билан машҳур бўлган мажмуа асида “Ҳазрати Имом” деб улуғланган Абу Бакр Қафқол Шоший номи билан боғланади ва бу буюк олим Тошкент шаҳрида таваллуд топган.

Ўзбекистоннинг биргина кўҳна Хоразм замини жаҳон илм-фани ва маданиятига улкан ҳисса қўшган кўплаб буюк сиймоларни етиштириб чиқарган. Одамларнинг кундалик ҳаётига сингиб кетган алгебра фанига Муҳаммад Мусо ал-Хоразмий асос солган. Глобусни ихтиро қилган олим бизнинг ватандошимиз Абу Райҳон Беруний ҳам хоразмлик буюк алломалардан биридир. Қуръон ва унинг тили, яъни араб тилига оид илмларнинг ривожига беқиёс ҳисса қўшган олимлардан деб ҳисобланган Маҳмуд Замахшарий ва Юсуф Саккокий ҳам Хоразм диёрида туғилган. Маҳмуд Замахшарийнинг туғилиб ўсган юртига “дунёдаги барча қишлоқлар жамланиб, Хоразмнинг биргина Замахшар қишлоғига фидо бўлса арзийди. Чунки бу қишлоқ минг йилларда бир марта дунёга келиши мумкин бўлган Маҳмуд Замахшарийдек алломани дунёга келтирди”, деб таъриф берилган .

“Хоразм фаҳри”, “Жоруллоҳ”, “Араблар ва ғайри араблар устози” каби юксак номларга сазовор бўлган олим Маҳмуд Замахшарий араб тилшунослиги, адабиётшунослиги, аруз илми, луғатшунослик, тафсир, ҳадис, фикҳ, география, дидактика ва бошқа соҳаларга оид қатор асарлар муаллифидир. Уларнинг орасида тилшунослик бўйича “النحو في المفصل” асари, ҳадислар матнида учрайдиган мураккаб ва кам қўлланадиган сўзларни шарҳлашга оид “في الفائق” луғати, сўзларнинг луғавий ва мажозий маънолари таржимасини тақдим қилган “البلاغة أساس” луғати, арабча сўзларнинг туркий, форс ва мўғил тилларида таржималари берилган “الأدب مقدمة” луғати ва илм аҳли орасида “Кашшоф” номи билан машҳур Қуръони каримнинг филологик нуқтаи назардан тафсир қилинган “التاويل وجوه في الأقاويل و عيون التنزيل غوامض حقائق عن الكشف” асари энг йирик ва машҳур асарларидан деб ҳисобланади.

Замахшарий юксак ақл-идрок ва илм соҳиби бўлган. У танқидий таҳлил ва мантиқий фикрлашда тенги йўқ олимлардан бўлган. Илмининг кучлилигидан



бошқа олимлар ҳис қила олмайдиган энг нозик масалаларгача эътибор қаратган ва уларни моҳирона ҳал қилиб берган. Биргина “المفصل” асарини шу даражада мукамал ёзганидан унга қўшимча қўшиш ёки бирор ўзгартириш киритиш имкони қолмаган, аксинча асарни турли усулларда тушунтириш учун кўплаб шарҳлар ёзилган, уларнинг орасида Ибн Яъишнинг шарҳи энг машҳур шарҳ деб ҳисобланади.

Замахшарий “الكشاف” асарини ёзгандан кейин унинг довриғи бутун оламга тарқалган. Асар бугунги кунгача ўз аҳамиятини сақлаб келмоқда, чунки у Қуръони каримни бошқа тафсирлардан буткул фарқ қилувчи янги йўналишда шарҳлаган. Мазкур асар дунёнинг энг нуфузли университетларида таълим жараёнида бугунги кунгача фойдаланилмоқда. Бу асар балоғат илмининг мукамал илм даражасига етишида ҳам муҳим аҳамият кашф этган. “الكشاف” асарида Қуръон оятлари маъносини бошқа муфассирлардан буткул фарқли йўналишда балоғат илмининг энг нозик ва ҳис қилиш қийин бўлган қирраларигача ҳисобга олган ҳолда тафсир қилган. Шунинг учун “...Замахшарийгача ва ундан кейин бу тафсир каби мукамал тафсир ёзилмаган” деб баҳо берилган .

Хоразмлик олимлардан яна бири Замахшарийдан кейин яшаган Сирожиддин Абу Яъқуб Юсуф ибн Абубакр ибн Муҳаммад ибн Али ас-Саккокий Хива шаҳрида туғилган. У 30 ёшигача темирчилик билан шуғулланган, Хоразм хонига ясаган тухфасига хоннинг эътиборини тортмаган, аксинча хон олимларга эҳтиром кўрсатишини гувоҳи бўлиб, илм олишга қатъий қарор қилади. Узоқ ва машаққатли меҳнатлари эвазига етук олим бўлиб етишади. У тилшуносликка оид бир нечта рисола ва асарлар ёзган. Жумладан Абдулқохир Журжонийнинг “الجمال” рисоласига ёзган шарҳи, сарф, наҳв ва балоғат илмларига оид “العلوم مفتاح” асарини мисол тариқасида келтириш мумкин.

Юсуф Саккокий “العلوم مفتاح” асари сабаб илм оламида ном қолдирган. Асарнинг муқаддимасида “Замонамизнинг фузалолари, фазлда камолотга етган зотлар мендан услуби барча зийрак киши тушуниб, ундан хурсанд бўладиган қисқагина китоб ёзиб беришимни сўраб қаттиқ туриб олдилар. Мен бу гапларни эшитгач, шундай китобни ёзиб, пухта ўзлаштирган кишига илмий мақсадларнинг барчасини очиб беришига кафил бўлдим ва китобни “Мифтахул-улум” яъни, илмларнинг калити – деб номладим” деб таъриф беради .



Юсуф Саккокийнинг ижодида балоғат илми мукамаллик кашф этди. Дастлаб санъат деб қаралган бу илм Абдулқоҳир Журжоний, Маҳмуд Замахшарий ва Юсуф Саккокийларнинг шарофати билан мукамал илм даражасига чиқди. Саккокий “العلوم مفتاح” асарида балоғат илмининг қонуниятларини тугал даражага келтириб, яқуний қоидаларини ишлаб чиқган. Ундан кейин яшаган олимлар асарни турли услублар билан ўрганишган, аммо бирор қоидасини ўзгартира олмаганлар. Яъни Саккокий XII асрда араб балоғат илми қоидаларини камолига етказиб берган хоразмлик олимдир. Бунга унинг Журжоний, Замахшарий ва Розийнинг илмий назарияларини мантиқий ўргангани ва барча зарур таъриф ва таҳлилларни келтириб, гуруҳларга ажратиб, ўз ғояларини қатъий далиллар билан исботлаб яқуний хулоса қилгани сабаб бўлди.

Хоразмлик буюк алломалардан яна бири Мусо ал-Хоразмий “Ал-жабр вал-муқобала” номли рисола муаллифи бўлиб, унинг номи “алгоритм” шаклида фан оламида абадийлашган. Асарда биринчи ва иккинчи даражали тенгламаларни ечиш усулларини тизимли равишда баён қилган. У тенгламаларни геометрик усуллар билан исботлаб, уларга амалий ечимлар топган. Хоразмийнинг яна бир китоби “Ҳинд ҳисоби ҳақида китоб” деб номланиб, ҳинд рақамлари тизимини очиб берган, жумладан, ноль рақамининг аҳамиятини кашф қилган. Бу китобда ҳисоб-китоб ишларини босқичма-босқич бажаришга оид қоидаларни баён этган. Бу қоидалар мантиқий ва аниқ изчил ҳаракатлар занжири бўлиб, кейинчалик замонавий информатика ва дастурлаш соҳасидаги алгоритмларнинг асоси бўлиб хизмат қилган.

Хоразмий математикадан ташқари, астрономия ва география соҳаларида ҳам чуқур из қолдирган. У “Зиж” (астрономик жадваллар) тузган ва осмон жисмларининг ҳаракатларини ҳисоблаш усулларини ёритиб берган. Географияга оид “الأرض صورة كتاب” (Ернинг кўриниши ҳақида китоб) асари дунё харитасини ва шаҳарларнинг географик координаталарини тасвирловчи энг қадимги асарлардан бири деб ҳисобланади.

Ал-Хоразмийнинг асарлари асрлар давомида Европа университетларида асосий дарслик сифатида ўқитилган. Унинг ғоялари ва кашфиётлари замонавий математика, информатика ва бошқа аниқ фанларнинг шаклланишига улкан ҳисса қўшган.



Хулоса қилиб айтганда, Ўзбекистон замини нафақат ўзига хос маданий меросга, балки жаҳон фани ва цивилизациясига асос солган, илмнинг турли соҳаларида ноёб асарлар яратган даҳоларни тарбиялаган “МУҚАДДАС ЗАМИН” деб ҳисобланади.